BIZNES DAILY

Экономическая газета

Биржа

Иқтисодий газетаси

#61(3048)
15.08.2023

www.biznes-daily.uz

Навбатдаги “Roadshow” Сирдарёда ташкил этилди

Президентимизнинг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғиб қилиш жараёни давом этмоқда.

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан айни шу мақсадга йўналтирилган “Roadshow” тақдимоти Сирдарё вилоятида ташкиллаштирилди.

Унда Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари Алишер Миралиев, агентликнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зиядулла Каримов ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари Аброр Тошматов хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активлари, жумладан, корхоналардаги давлат улушлари, бўш турган давлат мулки объектлари ва сотилиши белгиланган ер участкалари тўғрисида маълумот беришди.

Тақдимотларга кўра, Сирдарё вилоятида ўтган йили тегишли дастурларга мувофиқ, жами 36 та давлат активи аукцион савдоларига чиқарилган, шундан 11 та давлат активи 2,9 млрд. сўм қийматига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган. Бундан ташқари, тадбиркор ва фуқаролар учун 3528 та 257,9 гектар ер участкаси электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилган. Шундан 851 та 83,4 гектар ер участкасининг 16,0 млрд. сўмга сотилишига эришилган.

Тадбир давомида Президентимизнинг 2023 йил 24 мартдаги қарорига мувофиқ, Сирдарё вилояти бўйича оммавий савдоларда сотилиши белгиланган жами 78 та давлат ва давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларининг активлари, шундан 47 та кўчмас мулк объектлари билан яқиндан таништирилди.

Бундан ташқари, аввалдан доимий фойдаланиш ёки умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ўзларига тегишли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириб олган фуқароларга мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерлари топширилди ҳамда музкур жараён тартиби тадбир қатнашчиларига тушунтирилди. Шунингдек, қатнашчиларга “E-auksion” электрон савдо платформасидан фойдаланиш бўйича “мастер-класс” ўтказилиб, савдо платформасида шахсий кабинет очиш, онлайн электрон имзо олиш ва савдоларда қатнашиш учун ариза топшириш тартиблари бўйича назарий ва амалий тушунчалар берилди. Кўтаринки руҳда ва савол-жавобларга бой ўтган “Roadshow” давомида унинг иштирокчилари ва ОАВ вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Журналистлар учун пресс-тур ҳам ташкил этилиб, давлат активларини сотиб олган тадбиркорлар томонидан ушбу объектлар негизида бажарилган ишлар, шунингдек, сотувга чиқарилган давлат активлари жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

БУНЁДКОРЛИК НАФАСИ

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида мамлакатимиз Мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан бир қатор давлат ва жамоат объектлари фойдаланишга топширилди.

Хусусан, ҳудуддаги “Қизилсой” маҳалласида янги кўприк ишга туширилди. Очилиш маросимига Тошкент вилояти ҳокими З. Мирзаев, туман ҳокимлиги вакиллари ва фаоллар қатнашди.

Таъкидланганидек, бундай янгиликларнинг ҳаммаси халқ ободлиги йўлида, муҳтарам юртбошимизнинг олиб бораётган сиёсатларини нақадар адолатли эканидан дарак беради. Туман аҳолиси барпо этилган бунёдкорликдан мамнун бўлиб, яратилган қулайликлар учун миннатдорлик билдирди.

Янги кўприкнинг узунлиги 96, кенглиги 13 метрни ташкил этади. Навбатдаги манзил “Нурли замин” маҳалласида жойлашган 1-сонли маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани бўлди. Бу маскан “Нурли замин”, “Саховат”, “Янгиҳаёт”, “Жалолтепа”, Аҳмад Яссавий ва “Қизилсой” маҳалла фуқаролар йиғинларига хизмат кўрсатади. Масканга профилактика катта инспектори раҳбарлик қилади. Ҳуқуқ-тартибот масканида профилактика катта инспектори, хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор, вояга етмаганлар бўйича инспектор-руҳшунос, тезкор вакил ва суриштирувчи хизмат ходоналари мавжуд.

Бу масканни ташкил этилишидан мақсад жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ички ишлар органларида жамоат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Тадбир иштирокчилари бинода яратилган шароитлар билан танишди. Ҳудуд аҳолиси билан яқиндан суҳбатлашди. Бу йил тумандаги “Очиқ бюджет” ахборот порталига киритилган лойиҳалар бўйича жами 7 та маҳаллада 19,2 километр ички кўчаларга асфальт ётқизилди. Жумладан, 15 минг 128 та овоз тўплаган “Нурафшон” маҳалласидаги 1,4 километр ички кўча таъмирланди. Шунингдек, аҳоли учун маҳалла бўйлаб жамоат транспорти йўлга қўйилди.

Қурилиш ва уй-жой-коммунал соҳада мурожаатлар қандай ҳал этилмоқда?

Кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиб чиқиш ҳамда уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш, сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимни йўлга қўйиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда мурожаатларни кўриб чиқиш муддати ва сифати устидан рақамли назорат ўрнатиш, аҳолининг кундалик турмуш тарзига бевосита таъсир қилувчи масалалар бўйича мурожаатларни тезкорлик билан ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш вазифаси долзарб бўлиб турибди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан айни шу масалага эътибор қаратилиб, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётганлиги юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Вазир ўринбосари Озода Жўраеванинг маълумот беришича, жорий йилнинг январь-июнь ойларида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами 8 055та мурожаат келиб тушган. Хусусан, қурилиш ва бино-иншоотларга тегишли йўналишда 5 901 та (73,1 фоиз), уй-жойларни умумий мулкини сақлаш ва таъмирлаш ҳамда бошқарув ташкилотларининг фаолияти бўйича 1 158 та (14,9 фоиз), иссиқлик таъминотига тегишли масалалар 187 та (2,3 фоиз), шунингдек, бошқа масалалар бўйича 508 та (6,3 фоиз) мурожаат рўйхатга олинган. Улардан 3 289 таси ёки (41 фоиз) ижобий ҳал этилган, 3 195 тасига (39 фоиз) тушунтиришлар берилган, 256 таси (3 фоиз) тегишли идораларга юборилган, 37 таси айни вақтда ижро жараёнида турибди. Жорий йилнинг 6 ой давомида мурожаатлар сони юқори ҳамда кескин ўсган Тошкент, Бухоро, Сурхондарё, Наманган, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жами бўлиб 17 та сайёр қабуллар ўтказилган. Қабуллар давомида 150 та турли мурожаат олинган. Уларда кўтарилган масалаларнинг 89 таси ижобий ҳал қилинган, 37 таси жойида бартараф этилган, 20 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ҳамда 4 тасини ижобий ҳал қилиш учун назоратга олинган.

Соҳа ташкилотларига Президентнинг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали жами 17 396 та мурожаат тушган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1920 та кўпдир. Шундан, 190 таси

Давоми 2-бетда.

Курс валют на 15.08.2023

USD	11667.00
EUR	12809.20
RUB	119.99
CNY	1619.47

#61(3048)
15.08.2023
BIZNES DAILY Биржа

Қурилиш ва уй-жой-коммунал соҳада мурожаатлар қандай ҳал этилмоқда?

Бошланиши 1-бетда.

шаҳарсозлик ва архитектурага, 1 990 таси ер майдонига, 2 696 та ўзбошимча қурилишга, 1 190 та қурилиш сифатига, 34 та қурилишда тендер савдоларига, 58 таси бузилиш ҳолатларига, 80 таси норматив ҳужжатларга,18 таси лицензияга, 12 таси тадбиркорлик, 66 таси турар жойни нотурар тоифага ўтказиш, 3 818 таси ичимлик суви ва оқова таъминоти муаммоларига, 158 таси кўп хонадонли уйларни бошқариш фаолиятидан норозилик, 163 таси ходимлар хатти-ҳаракатига, 89 таси қурилиш ишларига рухсат олиш, 66 таси қурилиш пудрат ташкилотлари рейтинги, 598 таси бошқа масалаларга тўғри келган. Мазкур мурожаатларнинг 6 159 таси ёки ижобий ҳал этилган, 9 920 тасига ҳуқуқий маълумот бериш орқали ечим топилган, 110 таси рад этилган, 1 076 таси ваколатли органга юборилган.

Соҳада аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва такрорий мурожаатларнинг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Биринчидан, аппарат йиғилишларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати атрофлича муҳокама қилиб борилмоқда. Иккинчидан, халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган ва барча вилоятларда соҳа ташкилотларининг бир нафардан масъул ходими халқ қабулхонасига доимий бириктирилган. Учинчидан, мурожаатлар сони ошган ҳудудларга алоҳида эътибор берилган ҳолда барча вилоятлардаги халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Тўртинчидан, тизим ташкилотлари томонидан халқ қабулхоналари билан биргаликда семинарлар ташкил этилмоқда.

Ҳисобот даврида мурожаатларни кўриб чиқишда камчиликларга йўл қўйган Сурхондарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (3 нафар), Тошкент вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (1 нафар) ва Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасининг (2 нафар) масъул ходимларига нисбатан қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилган.

Парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Нодир Жумаевнинг таъкидлашича, ҳисобот даврида Қонунчилик палатаси томонидан вазирликка қурилиш соҳаси бўйича 30 та мурожаат жўнатилган бўлиб, улардан 3 таси қаноатлантирилган, 22 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган, 5 таси тегишли ташкилотларга йўналтирилган. Мазкур мурожаатлар таҳлилига кўра, вазирлик томонидан архитектура ва шаҳарсозлик йўналиши бўйича 1 та, ер ажратилиши масаласи бўйича 1 та, ноқонуний равишда қурилган қурилишлар бўйича 10 та, қурилиш сифатини назорат қилиш бўйича 4 та, қурилишдаги норматив ҳужжатлар бўйича 5 та, нотурар-жой объектларини турар-жойга айлантириш бўйича 2 та, масъул ходимнинг хатти-ҳаракати юзасидан 1 та, пудратчилар рейтинги масаласи бўйича 2 та, бошқа масалалар бўйича 4 та мурожаат тегишлилигича кўриб чиқилган. Шунингдек, вазирликка коммунал соҳа бўйича 22 та мурожаат юборилган. Улардан 19 таси ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариб юбориш хизматларига доир, 1 таси иссиқ сув таъминоти, 1 таси уй-жой фонди инспекцияси ва 1 таси бошқарув сервис компаниялари фаолиятига тегишли бўлган. Депутатлар сўровларига асосан бир қатор муаммолар ижобий ҳал этилган. Хусусан, Миробод туманида истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг иссиқлик таъминоти бўйича йўллаган мурожаатлари жойида ўрганилиб, ижобий тарзда ечилган. Шунингдек, Олтиариқ тумани "Ёшлик" МФЙ, Учтепа кўчаси фуқароларининг ичимлик суви билан таъминлаш бўйича мурожаати ўрганилиб, манзилли дастурга асосан "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан 1,500 км. қувур тортиш ва битта сув иншооти қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Алоҳида таъкидланганидек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилиши билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Ҳали жойларда ечимини кутаётган ва соҳани янада ривожлантиришга қаратилган айрим масалалар мавжуд. Хусусан, 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонида дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига ўрнатилган мораторий талабларини бузган қурилиш-пудрат ташкилотларининг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги даражасини пасайтириш юзасидан берилган топшириқ етарлича ижро этилмаган. Шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан вазирликка жўнатилган аксарият мурожаатлар юзасидан уларнинг муаллифига ҳуқуқий тушунтириш бериш билангина чекланиб қолинган. Бу эса аҳоли томонидан кўтарилган муаммолар ҳал этилмай, такрорий мурожаатларнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Тадбир давомида депутатлар томонидан бир қатор долзарб саволлар ўртага ташланди. Мисол учун, бошқарув компанияларининг ҳисобдорлиги ва масъулияти талаб даражадамаслиги, кўп қаватли уйлар ер тўлаларида сув тошиш ҳолатларининг тез-тез учраб туриши, шаҳарсозлик нормалари бузилишини бартараф этиш йиллар давомида ҳал этилмаётгани, "Менинг уйим" биллинг тизими ҳақида аҳоли хабардорлигини таъминлаш етарли эмаслиги, фаолият юритаётган қурувчи ташкилотлар кўп бўлсада, шаффоф қурилиш электрон тизимида уларнинг сони камлиги айтиб ўтилди. Бу каби муаммолар вазирлик томонидан аҳоли мурожаатлари бўйича янгича тизимда ишлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, қурилиш сифатини назорат қилиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариб юбориш хизматларини яхшилашнинг янги босқичларини белгилаб олиши кераклигини билдириши урғуланди.

Ўртага ташланган барча фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги зиммасига жойларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, аҳоли билан учрашувлар ҳамда сайёр қабуллар ташкил қилиш, кўтарилган масала ва муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш чораларини кўриш, фуқаролардан энг кўп тушаётган мурожаатлар, ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлаётган масалаларни таҳлил қилган ҳолда улар юзасидан муносабат билдириб бориш, мурожаатлар такрорийлигининг олдини олиш мақсадида бир неча йиллар давомида ҳал этилмаган мурожаатлар ишчи гуруҳ тузилган ҳолда ўрганилиб, муаллифларга якуний жавоб берилишини таъминлаш, келаётган куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш чораларини кўриш вазифалари юклатилди. Шунингдек, қурилиш соҳасида архитектура ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, коммунал хўжалиги, ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш борасида режалаштирилган ишлар юзасидан ҳудудлар кесимида маълумотлар тақдим этиш тавсия этилди. Бундан ташқари, соҳага оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш таклифи ҳам берилди. Қайд этилган тадбирларнинг ижро этилишини таъминлаш юзасидан парламент назоратини кучайтириш қабул қилинган қўмита қарорида алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Замира ТОЖИЕВА.

Логистика – бизнес ривожининг муҳим омили

Мамлакатимизда 20 август тадбиркорлар куни сифатида кенг нишонланади. Сана муносабати билан давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан анъанавий очиқ мулоқоти бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Мазкур муҳим воқеа арафасида тадбиркорлар билан соҳалар кесимидаги учрашувлар ҳозирда жадал давом этмоқда. Хусусан, бу йил ўтказиладиган очиқ мулоқот тадбирига тайёргарлик жараёнида бизнес вакилларининг муаммолари ва ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш йўналишларидан бири логистика масаласи ҳисобланади.

Шунинг учун Савдо-саноат палатаси, Божхона қўмитаси ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган давра суҳбати темир йўл ва божхона соҳасидаги масалалар муҳокамасига бағишланди. Унда бир қатор вазирлик ва идоралар масъуллари, бизнес билан шуғулланаётган корхоналар раҳбарлари ҳамда ташқи савдо бўйича масъул ходимлари иштирок этишди. Асосий мақсад экспорт қилувчи корхоналар ҳамда товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш режимида фаолият юритаётган тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими бўйича таклифларни шакллантириш, шунингдек янги таклифларниўрганишга қаратилди.

Бунда энг аввало иштирокчи тадбиркорларнинг фикрларини эшитишга эътибор берилди. Ўз навбатида, улар томонидан мамлакатимизда бизнес учун кўплаб шарт-шароитлар яратилгани эътироф этилган ҳолда айрим муаммолар борлиги айтилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, товарлар экспорти учун белгиланган божхона йиғимлари ставкалари, имтиёзлар, преференциялар, экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чоралар, темир йўлда ташиш тарифлари, субсидиялар, компенсациялар, реэкспорт, божхона режимини янада ривожлантириш борасида таклифлар ўртага ташланди. Чунончи, юк ташиш учун цистерналарни е-аукцион орқали ижарага олиш маълум муддат талаб қилиши баъзи қийинчиликларни келтириб чиқараётгани боис мазкур тизимни соддалаштириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Темир йўлнинг айрим бўш турган станцияларини хусусий секторга бериш таклифи илгари сурилди. Ўртага ташланган бошқа бир фикрга кўра, ҳозирда хом ашёни импорт қилиб олиб киришда юз фоиз қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўланади. Бунга баъзида тадбиркорда маблағ етмай қолиши мумкин. Шундай вазиятда ҚҚСнинг дастлаб 30 фоизини, маълум муддат давомида эса қолганини тўлаш, бунинг учун электрон тизимга тегишли ўзгартириш киритиш фойдадан холи бўлмаслиги урғуланди.

Тегишли давлат ташкилотлари вакиллари томонидан тақдим этилган маълумотда келтирилишича, мамлакатимизда қайта ишловчи корхоналар сони ва қайта ишланган маҳсулотлар ҳажми етарли даражада эмас. Шунинг учун масалан божхона идоралари бу йўналишда ишлаётган тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватламоқда ва бу иш тизимли йўлга қўйилган. Бугунги кунда божхона тамойилларини рақамлаштириш соҳасида катта ислоҳот олиб борилмоқда ва кўрилаётган чоралар давомли тусга эга. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш масаласида тадбиркорлар ўртасида тушунмовчиликлар кузатилмоқда. Айни пайтда фаолияти ташқи савдо билан боғлиқ тадбиркорларнинг божхона тартиботлари ҳақидаги билимини етарли деб бўлмайди, шунинг учун уларнинг мазкур соҳадаги саводхонлигини оширишга нисбатан масъулиятни кучайтириш зарур. Бундан ташқари, айтиб ўтилганидек, бугунги кунда хусусий вагонлар ишини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бу йўналиш чет элда ривожлангани инобатга олиниб, бир қатор хорижий ҳамкорлар билан мазкур соҳага хусусий секторни жалб қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Давра суҳбати мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда мавжудларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш, экспортни қўллаб-қувватлаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишнинг аҳамияти, айниқса товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш режимига жойлаштириш тартиблари атрофлича тушунтирилди.

Ойдин ЛАТИПОВА.

BIZNES DAILY

Биржа

#61(3048) 15.08.2023

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 5 августдаги 4-1101-2203/1146-сонли иш ҳал қилув қарорига биноан **“2503-сонли автожамланмаси”** (СТИР 200486052) **ДУК**га нисбатан банкрот деб топилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Шараев Улугбек Алишерович тайинланган.

“2503-сонли автожамланмаси” ДУКнинг мол-мулкларини утилизация баҳосини аниқлаш мақсадида баҳолаш ташкилотларига тендер эълон қилинади. **Телефон:** 99-402-77-62.

Оққўрғон туманидаги **“ABC Oqqo’rg‘on agro classter” масъулияти чекланган жамияти** (СТИР 305213015) нинг навбатдаги кредиторлар йиғилиши 2023 йил 25 август куни соат 12.00 да Оққўрғон тумани, Олимкент шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 127-уйдаги қарздорнинг маъмурий биносида бўлиб ўтиши белгиланган.

Йиғилиш кун тартибида:

1. Тугатиш бошқарувчининг оралиқ ҳисоботи.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Қарздорнинг Келишув битимини тасдиқлаш таклифи.
4. Қарздорда инвентаризация ва аудит текшириш ўтказилиш.
5. Бошқа масалалар.

Йиғилишга кредиторлар ва унинг вакилларига шахсни ҳамда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек, йиғилиш иштирокчиси ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар билан келиш сўралади.

Қумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 8 августдаги 4-1904-2302/2633, 4-1904-2302/2644, 4-1904-2302/2637 ва 4-1904-2201/377-сонли ҳал қилув қарорларига асосан Жарқўрғон туманидаги **“Abdugani nazar”** (СТИР 307409464), **“Diyor-Jayhun”** (СТИР 305254559) **“Jarqurgonlik Jamshidbek”** (СТИР 303934924) ва **“Luxe metall-prof” МЧЖ** (СТИР 307693580)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик таомилининг соддалаштирилган тартибда иш юритув бошланган ва суд бошқарувчиси этиб 3-тоифали суд бошқарувчиси Сапаров Мамаюсуб Рузиевич тайинланган.

Шу муносабат билан мазкур фермер хўжаликлари ва жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2023 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да Термиз шаҳри, М.Қашқарий 36-а уй биноси (манзили: Термиз шаҳри, М.Қашқарий 36-а уй)да бўлиб ўтади.

Шунингдек, мазкур фермер хўжаликларининг муҳр ва тамғаси собиқ раҳбари ҳамда таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 144-моддасига кўра 10 (ўн) кун ичида муҳр ва тамғаларини суд бошқарувчисига топширишлари шарт, муҳр ва тамғалар топширилмаган тақдирда йўқолган деб этироф этилиб бекор қилинган деб ҳисобланади.

Манзил: Термиз шаҳри, М.Қашқарий 36-а уйда қабул қилинади.

Мурожаат учун тел.: 97-227-45-59, 97-242-73-72.

Объявляем о том, что **ООО «Artel Electronics Manufacturing»** (ИНН: 305252861) реорганизуется в форме присоединения к нему **ООО «Bukhara Next Generation Product»** (ИНН: 309918867) и **ООО «Future Industry Systems»** (ИНН: 305511784) согласно решению учредителя от 12 августа 2023 года, в результате которого все права и обязанности ООО «Bukhara Next Generation Product» и ООО «Future Industry Systems» перейдут к ООО «Artel Electronics Manufacturing».

Обращения заинтересованных лиц принимаются по адресу: Республика Узбекистан, г. Ташкент, Учтепинский район, СГМ «Хамдуст», ул. Катта Хирмонтепа, дом 1.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 13 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан **“Asliddin oltin dalasi”** (СТИР 304510059) **фермер хўжалиги** соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилган ва тугатиш бошқарувчиси Рўзиев Бахтиёр Сафарович тайинланган. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2023 йил 25 август куни Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, М.Қошқарий кўчаси, 36-а уйда бўлиб ўтади. Кредиторлар талаблари бир ой давомида Сурхондарё вилоят ДСБ биносида қабул қилинади.

Мазкур банкрот деб эътироф этилган корхонанинг собиқ раҳбари ҳамда таъсисчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунга кўра 5 кун муддат ичида муҳр ва тамға тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда бекор қилинади ва зарурат бўлган тақдирда дубликат ясатилади.

Мурожаат учун тел.: 93-766-10-07.

Кредиторлар диққатига!

“Boltaboy Yuldachboy uzumlari” МЧЖ, “Meret-Kurbon Xofiz” ФХ, “Nodira-Xurshida” ФХ, “Ikrom Reyimbayevich” ФХ, “Bua-omad” МЧЖ, “Kokchali toyli mirob” ФХ, “Tortkollii Xayitbaevlar” ФХ, “Tortkollii Abrorbek” ФХ, “Tortkollii Durdona-Ruxshona” ФХ, “Asad-Asil” МЧЖ, “Yonboshqalali-Ali-Oydinoy” ФХ, “Elyorbek-Suxrobbek” ФХларга манзили Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро иқтисодий судининг 4-2302-2302/2503, 4-2302-2302/2504, 4-2302-2302/2505, 4-2302-2302/2506, 4-2302-2302/2507, 4-2302-2302/2508, 4-2302-2302/2509, 4-2302-2302/2510, 4-2302-2302/2511, 4-2302-2302/2512, 4-2302-2302/2513, 4-2302-2302/2514-сонли ишлари бўйича 2023 йил 3 август куни қабул қилган ҳал қилув қарорлари билан тўловга қобилиятсиз деб топилган ва қарздорларга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан тугатиш бошқарувчиси этиб Исмаилов Улуғбек Мадаминович тайинланган.

Кредиторлар йиғилиши қарздорлар учун 2023 йил 15 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилиши белгиланган.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тузиш.
3. Қарздорни тугатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва бошқа масалалар.

Кредиторлар қарздорларга бўлган ўз талабларини эълон чиққан санадан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида тугатиш бошқарувчисига қуйидаги манзилга тақдим қилишлари керак.

Мурожаат учун манзил: Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Давлат солиқ инспекцияси биносида.

Маълумот учун телефон: 99-360-33-22. Тугатиш бошқарувчиси У.М. Исмоилов.

Кредитор вакили шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва ваколатини белгиловчи ишончнома билан қатнашиши шарт.

Кредиторлар диққатига!

Чуст туманлараро иқтисодий судининг 04.08.2023 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан **“Kelachi g’isht ishlab chiqarish” MCHJ** (СТИР 302196625), **“Pop mega trans” MCHJ** (СТИР 304353626), **“Pop m’orikon tozalash” MCHJ** (СТИР 308988164) корхоналари тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тамоилида тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатиш жараёни бошланган А.Шароипов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

Қарздорга нисбатан барча даъволарни эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида тугатиш бошқарувчиси томонидан Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 72-уйда қабул қилинади. Тўловга қобилиятсиз корхоналарнинг муҳр ва тўртбурчак тамғалари корхоналар раҳбарлари ёки таъсисчилари томонидан 10 кунлик муддат ичида суд бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади ҳамда бекор қилинади.

Мурожаат учун тел.: 93-925-00-35.

Жомбой туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 9 августдаги ҳал қилув қарорига асосан **“Sport sentr” MCHJ** соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Самандаров Бобур Султанович тайинланган. Кредиторлар талаби бир ой давомида қабул қилинади. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган жамиятнинг гувоҳнома ва низомнинг асл нусхалари, юмалоқ муҳр ва бурчак тамға эълон чиққан кундан 3 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, бекор қилинган ҳисобланади.

Тел.: 93-345-25-15.

Шовот туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 31 июлдаги 4-2202-2301/774-сонли ҳал қилув қарори билан Қўшкўпир туманидаги **“Davlatyor Doniyor parandachilik” МЧЖ**га нисбатан тугатиш жараёни қўлланилди ва тугатиш бошқарувчи этиб Я.В. Рўзметов тайинланди.

Жамият кредиторлар йиғилишлари 2023 йил 6 октябрь куни соат 15.00 да Қўшкўпир тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 50-уй, Қўшкўпир тумани солиқ инспекцияси биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Davlatyor Doniyor parandachilik” МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси ҳисоботи.
2. “Davlatyor Doniyor parandachilik” МЧЖнинг кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Тугатиш ишлари билан боғлиқ бошқа масалалар.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари билан эълон чиққан кундан эътиборан 30 кун муддатда мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаат учун: Урганч шаҳри, Амударё кўчаси, 9-а уй.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг думалоқ муҳри, тўртбурчакли тамғаси ҳамда гувоҳнома, низомларини тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бошлаб 10 кунлик муддатда тақдим этилмаган тақдирда, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Мурожаат учун тел.: 97-364-44-52.

“Биржа” иқтисодий газетасининг 2023 йил 10 август кунги 60(3047)-сонида чоп этилган “Farg’ona kitob” МЧЖ эълонидаги ушбу жамиятнинг (СТИР 308341844) рақами ўрнига (СТИР 200145684) деб ўқилсин.

Фориш туманлараро иқтисодий судининг 08.08.2023 йилги 4-1305-2301/350-сонли иш бўйича ажрими билан **“Forish sifat tekstil” хусусий корхонаси** (СТИР 304787465)га нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг кузатув тартиб-таомили жорий этилган.

Муваққат бошқарувчи этиб Кувандиков Ҳамдам Равшанович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан эътиборан 1 (бир) ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 15.09.2023 йил соат 11.00 да Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 8-уйда ўтказилади.

Мурожаат учун манзил: Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 8-уй, тел.: 90-516-43-55. **Эл.почта:** sudboshqaruvchi.ahmad@mail.ru

---

Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 10 мартдаги 4-1104-2302/933-сонли ажримига асосан “Geniuse build service” МЧЖ (СТИР 304196379) субъекти кузатувга олинганлигини маълум қиламиз. Кредиторларнинг 1-умумий йиғилиши 19.08.2023 йилда соат 15.00 да Ўртачирчиқ туманлараро иқтисодий суд биносида ўтказилади.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига асосан **“Viso” МЧЖ** (СТИР 203122513) ушбу корхона банкрот деб топилди ва тугатишга доир иш юритиш бошланди. Юқоридаги жамиятнинг мулкини баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилинади. **Мурожаат учун:** 94-823-01-59.

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига асосан **“Sharqona yagona savdo” МЧЖ** (СТИР 304652340) ушбу корхона банкрот деб топилди ва тугатишга доир иш юритиш бошланди. Юқоридаги жамият охирги уч йиллик молиявий операция ва бугунги кундаги молиявий ҳолатини реал кўрсаткичларини аниқлашда аудиторлик хулосасини олиш мақсадида аудитор ташкилотлари ҳамда мулкини баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилинади. **Мурожаат учун:** 94-823-01-59.

Кредиторлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.08.2019 йилдаги 704-сонли қарорига ва “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом” талабларига асосан жамиятни ихтиёрий тугатиш юзасидан Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Гулобод МФЙ, Тошсой қишлоғида жойлашган **“Granit inert” MCHJ** 04.08.2023 йилдаги 177112-сонли ариза билан давлат хизматлари марказидан рўйхатга олиниб, тугатиш бошқарувчиси этиб З.Холмохмадов тайинланди.

Унга нисбатан барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун ичида (тел.: 99-020-51-04 тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади. Биринчи кредиторлар йиғилиши 14.09.2023 йилда Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Гулобод МФЙ, Тошсой қишлоғида жамият маъмурий биносида ўтказилади. Йиғилишга кредиторлик ва дебиторлик ҳақингизни асословчи ва шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатларингиз билан қатнашишингиз мумкинлигини билдирамиз.

Кредиторлар диққатига!

Ғузор туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 4 август кунги 4-1803-2301/720- рақамли ажримига асосан, Ғузор туманида жойлашиб фаолият юритган **“G’uzor milk produkt” масъулияти чекланган жамияти**га (СТИР 307140382) нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг кузатув таомили жорий қилинган. Иқтисодий суднинг 4-1803-2301/720-рақамли ажрими билан муваққат бошқарувчиси этиб суд бошқарувчиси Сафаров Зиёдулла Азизович тайинланган.

Кредиторлар йиғилиши 2023 йил 15 сентябрь куни соат 11.00 да Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уйда ўтказилади. Ишни суд томонидан кўриб чиқилиши 2023 йил 21 сентябрь куни соат 15.00 га белгиланган. Кредиторлар ўз талаблари билан 1 ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
2. Банкротликнинг кейинги таомилини белгилаш.
3. Муваққат бошқарувчисига иш ҳақи тайинлаш.
4. Бошқа масалалар.

Ушбу йиғилишга кредитор ва ишда иштирок этувчи шахслар ўзининг шахсини ва ҳақдорлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки унинг вакили ваколатини белгиловчи ишончнома билан қатнашиши шарт. **Мурожаат учун:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уй, **тел.:** 90-666-61-17.

Кредиторлар диққатига!

Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий судининг 02.08.2023 йилдаги 4-1802- 2302\1475-сонли ҳал қилув қарорига кўра, Китоб тумани **“Hufax 5X5” фермер хўжалиги**га (СТИР 305896543) нисбатан соддалаштирилган тартибда банкротликка оид ишни юритиш бошланган ва тугатиш жорий этилган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб 1-тоифали суд бошқарувчиси Холмурадов Шавкат Буриевич тайинланган.

Юқоридагиларга кўра қарздорнинг 1-кредиторлар йиғилиши 2023 йил 12 сентябрь куни соат 10.00 да Китоб тумани ДСИ биносида ўтказилади. Кредиторларни рўйхатга олиш 9.00 дан соат 10.00 гача давом этади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Йиғилишда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, Акт сверка ва бошқа ҳужжатлар бўлиши шарт.

Барча кредиторлар ўз талабларини йиғилиш ўтказилаётган кунгача билдиришлари мумкин. Мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис гувоҳномаси, думалоқ муҳри ва тўртбурчак штамплари эълон чиққан кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаса йўқолган деб топилиб бекор қилинади.

Манзил: Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси, 43-уй Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 91-458-00-35, 90-670-00-35.

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг ажримларига асосан қуйидаги қарздорларга тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилиб уларга нисбатан **кузатув таомили жорий қилинган ҳамда уларда** кузатув таомилида ишларини олиб бориш учун муваққат (суд) бошқарувчи этиб И.Уракбаев тайинланган.

Т/р	Қарздор номи	Жойлашган ҳудуди	СТИР	Ажрим санаси ва рақами
1	“Madina-Samina medical” МЧЖ	Жиззах шаҳри	309374690	21.07.2023 йил 4-1301-2302/3932
2	“The best ways pharm” МЧЖ	Жиззах шаҳри	309712784	21.07.2023 йил 4-1301-2302/3933
3	“Zero three happiness” МЧЖ	Жиззах шаҳри	309712658	21.07.2023 йил 4-1301-2302/3934
4	“High peak pharm go” МЧЖ	Ш.Рашидов тумани	309712207	21.07.2023 йил 4-1301-2302/3935
5	“Grand qurilish plast” МЧЖ	Ш.Рашидов тумани	303017125	25.07.2023 йил 4-1301-2302/3950
6	“Sugdiyona” МЧЖ	Жиззах шаҳри	200347170	25.07.2023 йил 4-1301-2302/3951

Мазкур қарздорларнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2023 йил 4 сентябрь куни соат 12.00 да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Жиззах вилоят Солиқ бошқармасининг маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Йиғилишга кредиторлар ва унинг вакилларига шахсни ҳамда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек йиғилиш иштирокчиси ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар билан келиш сўралади.

Кун тартибида Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунни билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига кўриб чиқиш ваколатлари берилган қарорлардан бирини қабул қилиш масаласи киритилган.

Ушбу маълумот эълон қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида кредиторлар ўз талабларини қарздорга тақдим этилиши сўралади.

Кузатув жараёнида йиғилган материаллар билан ҳамда кредиторлар рўйхати билан кредиторлар қуйидаги манзилда танишиб чиқишлари мумкин: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, 18-уй, 26-хонадон. **Мурожаат учун тел.:** 91-626-44-66.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ҳамда бошланғич баҳоси баҳоланган қийматда сотиладиган давлат мулки объектлари бўйича электрон онлайн аукцион (www.e-auksion.uz) савдога таклиф этади.

Электрон онлайн очиқ аукцион савдога қуйидаги давлат активлари чиқарилди. Бошланғич баҳоси баҳоланган қийматда сотиладиган давлат мулки объектлари

Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Давлат мулки объект номи	Туман ва шаҳар	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га)	Бинонинг умумий майдони (кв.м.)	Сотиладиган давлат мулки объектининг бошланғич баҳоси (сўм)
1	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Уллибоғ-41” ФЁТШ)	Тўрткўл тумани	“Уллибоғ” ОФЙ	0,15	81	269.261.000
2	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Шурахон-48” ФЁТШ)	Тўрткўл тумани	“Шурахон” ОФЙ	0,5	317,34	722.105.000
3	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Олмазор-52” ФЁТШ)	Тўрткўл тумани	“Қумбаскан” ОФЙ	0,18	112,21	155.954.000
4	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Рашидов-39” ФЁТШ)	Тўрткўл тумани	“Кўна Тўртқўл” ОФЙ	0,3504	75,21	349.863.000
5	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Мискин-37” ФЁТШ)	Тўрткўл тумани	“Оққамиш” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,1 амалда 0,16	260,57	255.853.000
6	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Янгиер-24” ФЁТШ)	Элликқалъа тумани	“Ақчакўл” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,13 амалда 0,069	45,94	132.870.000
7	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Чайка-51” ФЁТШ)	Элликқалъа тумани	“Чайка” МФЙ	ҳужжат бўйича 0,10 амалда 0,0662	96,6	161.216.000
8	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Қирққиз-25” ФЁТШ)	Элликқалъа тумани	“Гулистон” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,25 амалда 0,06278	81,64	219.946.000
9	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Одилов-49” ФЁТШ)	Элликқалъа тумани	“Амиробод” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,08 амалда 0,1027	91,45	193.427.000
10	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Қилчиноқ-29” ФЁТШ)	Элликқалъа тумани	“Қилчиноқ” ОФЙ	0,10296	122,25	205.517.000
11	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Ал-Хоразмий-46” ФЁТШ)	Элликқалъа тумани	“Гулдурсин” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,10 амалда 0,0920	158,78	123.042.000
12	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Боғёб-28” ФЁТШ)	Элликқалъа тумани	“Навоий” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,20 амалда 0,1430	112,52	222.601.000
13	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Т.Амиробод-50” ФЁТШ)	Элликқалъа тумани	“Тозабоғ” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,20 амалда 0,080	110,69	168.640.000
14	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Қуралпа-28” ФЁТШ)	Қораўзак тумани	“Алғабас” ОФЙ	0,0889	50,81	197.508.072
15	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Караозек-29” ФЁТШ)	Қораўзак тумани	“Караозек” ОФЙ	0,0637	50,76	142.192.199,3
16	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Маденият-62” ФЁТШ)	Қораўзак тумани	“Маденият” ОФЙ	0,0648	45,98	199.331.445
17	Бўш турган бино ва иншоотлар (“Бахитли-22” ФЁТШ)	Қораўзак тумани	“Бахитли” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,09 амалда 0,0426	50,45	154.596.022
18	Бўш турган бино ва иншоотлар (“У.Юсупов-27” ФЁТШ)	Чимбой тумани	“Костерек” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,09 амалда 0,1224	73,62	200.260.773
19	Бўш турган бино ва иншоотлар (“П.Сейтов-39” ФЁТШ)	Чимбой тумани	“Пашентау” ОФЙ	ҳужжат бўйича 0,09 амалда 0,0786	91,05	233.234.351

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси манзили: Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112-а уй.

Маълумот учун телефон: 0-361-222-02-87.

Асака туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан қуйидаги жамиятлар соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш очилган. Жумладан:

Т/р	Корхона номи	Банкрот бўлган сана	Иш рақами	СТИР
1	2	3	4	5
1	“Medikal farm hause” МЧЖ	04.08.2023	4-1702-2302/1404	306286257
2	“Faravon dala unumdor hosili” ФХ	08.08.2023	4-1702-2302/1450	304297387
3	“Serhosil zamin ziynati” ФХ	08.08.2023	4-1702-2302/1451	304541384
4	“Obod agro sanoati hosili” ФХ	08.08.2023	4-1702-2302/1452	303604700

Асака туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан тугатиш бошқарувчиси этиб 2-тоифали суд бошқарувчиси Б.Олимов тайинланган.

Юқоридаги жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2023 йил 15 сентябрь куни соат 10.00 да Андижон шаҳри, Фитрат кўчаси, 214-а уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефон: 90-202-77-25.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Асака туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан таништириш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Талаблар 1 ой давомида қабул қилинади. Кредиторлар йиғилишда қатнашиш учун жамият ва ташкилотлар номидан ваколатли вакили (қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат – солиштирма далолатнома ҳамда ваколатнома билан) қатнашишлари сўралади. Жамиятлар низом гувоҳномаси, муҳр ва тамғаси қарор чиққан кундан бошлаб 10 кун ичида тугатиш бошқарувчига тақдим этилмаган тақдирда йўқолган деб ҳисобланади.

Хўжаобод туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 7 август кунги ҳал қилув қарорларига асосан қуйида номлари келтирилган 8 дона корхона ва ташкилот соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган тугатишга доир иш юритиш белгиланган, тугатиш бошқарувчиси этиб 3-тоифали суд бошқарувчиси Саттибаев Бахрам Балтабаевич тайинланган.

Хўжаобод туманида жойлашган “Muhammadamin sarxadlari” ФХ (СТИР 203383728, 4-1706-2301/1897), “Muhammadaziz g`alla sabzovoti” ФХ (СТИР 306123349, 4-1706-2301/1898), “Sizning shifokor markazi” МЧЖ (СТИР 307318104, 4-1706-2301/1901), “Kushrabot agro ferma” МЧЖ (СТИР 307868021, 4-1706-2301/1902), Булоқбоши туманида жойлашган “Elegant-trade-firm” МЧЖ (СТИР 308440816, 4-1706-2301/1899), “Muxammad tosh koni” МЧЖ (СТИР 308054021, 4-1706-2301/1903), “Rivoj agro chicken” МЧЖ (СТИР 309125034, 4-1706-2301/1904), Жалақудуқ туманида жойлашган “Sherzodbek lyuks servis” ХК (СТИР 301459384, 4-1706-2301/1900).

Шу муносабат билан корхона кредиторлар биринчи йиғилиши 2023 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 да Жалақудуқ тумани, Ўзбекистон кўчаси, 62-уй манзилида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Хўжаобод туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Қарздорга нисбатан ҳақдор ёки қарздор корхона, ташкилот ва бошқа субъектларнинг вакиллари ваколатнома асосида солиштирма далолатнома билан йиғилишда қатнашишлари сўралади. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган корхоналарнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомининг асл нусхалари, думалоқ муҳр ва бурчак тамға эълон чиққан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Манзил: Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жалақудуқ шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 62-уй.

Маълумот учун 91-606-23-68 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Наманган вилояти, Янги Наманган тумани, 8-март кўчаси, 3-уйда жойлашган **“O’zElektroterm” aksiyadorlik jamiyati** 09.03.2009 йилдаги F-0263-5-сон билан давлат рўйхатига олинган қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарори, шунингдек, уларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчаларнинг асли нусхалари йўқолганлигини сабабли бекор қилинади.

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 11.08.2023 йилдаги 4-1101-2301/8429-сонли ажримга асосан **“Panaseya farm” МЧЖга** (СТИР 300750389) тўловга қобилиятсизга доир иш қўзғатилиб, кузатув жорий этилган.

Кузатув ишларини амалга ошириш учун 3-тоифали суд бошқарувчиси Мадрахимов Аброржон Алимжанович муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

“Panaseya farm” МЧЖ кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2023 йил 14 сентябрь куни соат 14.00да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 17-квартал, 31-уй, 60-хонадонда бўлиб ўтади. **Мурожаат учун телефон:** 93-443-00-03.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 11.08.2023 йилдаги 4-1101-2301/8429-сонли ажрими билан таништириш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш.
3. Суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан Зангиота туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш.
4. Қарздорни тўловга қобилиятсизлик деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан Зангиота туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш.
5. Кредиторлар қўмитасининг миқдорий таркиби, унинг аъзоларини сайлаш.
6. Санация қилувчи бошқарувчининг, ташқи бошқарувчининг ёки тугатиш бошқарувчининг номзодларини маъқуллаш.
7. Муваққат бошқарувчининг иш ҳаққини белгилаш ва тасдиқлаш.
8. Бошқа масалалар.

Қарздорга нисбатан талаб билдираётган барча корхона, ташкилотлар ва бошқа субъектлар вакиллари қарздорликни тасдиқловчи таққослама далолатнома билан овоз бериш учун ваколатнома асосида кредиторлар йиғилишида қатнашишлари сўралади.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқадиган материаллар билан йиғилиш давомида таништириб борилади. Кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошлаб, 5 дақиқа қолганида тўхтатилади.

Тақдим этилган ишончномада, ваколатли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотномаси, лавозими, ваколатномани ваколат муддати ва муҳр бўлиши лозим.

Tanlash o’tkazilishi to’g’risida e’lon

ATB “Qishloq qurilish bank”

1. “Masofadan bank xizmatini ko’rsatish QQB BUSINESS tizimini ishlab chiqish va tadbiq etish” predmeti bo’yicha eng yaxshi taklifni tanlash (Tanlash) o’tkazilishi to’g’risida e’lon qiladi.
2. Tanlash electron shakldа o’tkaziladi.
3. Xaridning boshlang’ich narxi QQS bilan 700 000 AQSH dollari.
4. Tanlashni o’tkazish manzili: O’zbekiston Respublikasi, 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko’chasi, 18A. Electron Tanlashni o’tkazayotgan operatorning nomi va uning sayti: O’zRTXB, www.etender.uzex.uz.
5. Tanlash tashkilotchisi (Buyurtmachi): ATB “Qishloq qurilish bank”, manzil: O’zbekiston Respublikasi, 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko’chasi, 18A.

Aloqa uchun shaxslar: xaridlar bilan ishlash bo’limi experti M.M. Umarxodjaev, tel.: 78-129-77-76.

6. Tanlash ishtirokchisiga bo’lgan talablar: xarid hujjatiga muvofiq bo’lgan xar qanday tashkilot Ishtirokchi bo’lishi mumkin.
7. Tanlash o’tkazish shartlari va tartibi to’g’risida batafsil ma’lumot xarid hujjatida keltirilgan.
8. Xarid xujjatini maxsus axborot portalida https://etender.uzex.uz/lot/289214 -lot orqali yoki Buyurtmachining saytidan olish mumkin.
9. Xarid xujjati qoidalari ma’lumoti so’rov shakli - portalning ochiq elektron chati orqali amalga oshiriladi.
10. Takliflarni topshirish yakuniy muddati - etender.uzex.uz portaldagi e’londa belgilangan vaqt.
11. Takliflar rasmiylashtirilishi bu’yicha talablar: takliflar maxsus axborot portalida electron shakldа taqdim etiladi. Takliflarni rasmiylashtirilishi bo’yicha batafsil talablar xarid hujjatida bayon etilgan.

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 17.02.2023 йилдаги 4-1101-2302/1248-сонли ажримга асосан **“Rich man pharm” МЧЖ**га (СТИР 308088367) тўловга қобилиятсизга доир иш қўзғатилиб кузатув жорий этилган.

Кузатув ишларини амалга ошириш учун 3-тоифали суд бошқарувчиси Мадрахимов Аброржон Алимжанович муваққат бошқарувчи этиб тайинланган.

“Rich man pharm” МЧЖ кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2023 йил 23 март куни соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй, 303-хонада бўлиб ўтади. Мурожаат учун телефон: 93-443-00-03.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 17.02.2023 йилдаги 4-1101-2302/1248-сонли ажрими билан таништириш.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш.
3. Суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш хақида илтимоснома билан Зангиота туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш.
4. Қарздорни тўловга қобилиятсизлик деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан Зангиота туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш.
5. Кредиторлар қўмитасининг миқдорий таркиби, унинг аъзоларини сайлаш.
6. Санация қилувчи бошқарувчининг, ташқи бошқарувчининг ёки тугатиш бошқарувчининг номзодларини маъқуллаш.
7. Муваққат бошқарувчининг иш ҳаққини белгилаш ва тасдиқлаш.
8. Бошқа масалалар.

Қарздорга нисбатан талаб билдираётган барча корхона, ташкилотлар ва бошқа субъектлар вакиллари қарздорликни тасдиқловчи таққослама далолатнома билан овоз бериш учун ваколатнома асосида кредиторлар йиғилишида қатнашишлари сўралади.

Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқадиган материаллар билан йиғилиш давомида таништириб борилади. Кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошлаб 5 дақиқа қолганида тўхтатилади.

Тақдим этилган ишончномада, ваколатли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотномаси, лавозими, ваколатномани ваколат муддати ва мухр бўлиши лозим.

Пешку туманлараро иқтисодий судининг 08.08.2023й ва 09.08.2023 йилдаги ҳал қилув қарорлари билан Ромитан тумандаги қуйида номлари келтирилган корхоналар соддалаштирилган таомил бўйича банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш очилган.

“Romitan tumani agromonitoring markazi” МЧЖ (СТИР 304707420), “Muxammadali stroy servis” МЧЖ (СТИР 304435619), “Aziz Ali Obi zar servis” МЧЖ (СТИР 304060524), “Dehqon fayz Faxriddin” МЧЖ (СТИР 306273416), “Azizmmsh agro tomarqa qurish xizmati” МЧЖ (СТИР 308098085), “Maqsudjon baraka kafe” МЧЖ (СТИР 306376707), “Temir Bobir Bahodir” МЧЖ (СТИР 307527414), “Legion Techno” МЧЖ (СТИР 304874373), “Miron Narzullo chorva servis” МЧЖ (СТИР 304245238), “Farida Farangiz Sevinch” МЧЖ (СТИР 303426416), “Шухрат Тимур қурилиш обод” МЧЖ (СТИР 302476498), “G’ani Shubays” МЧЖ (СТИР 303447034), “Yulduz-Master Tailor” МЧЖ (СТИР 306365364), “Kogon lyuks universal qurilish” МЧЖ (СТИР 306275950), “Romitan bozor qurilish” МЧЖ (СТИР 305089107), “Alfa prof spets servis” МЧЖ (СТИР 308097751), “Sherali Shoxjaxon chorvador” МЧЖ (СТИР 306868821), “G’ayrat qurilish ta’mir” МЧЖ (СТИР 302797906), “Bukhara Premium Build” МЧЖ (СТИР 304682107), “Baxron santexnik servis” МЧЖ (СТИР 303925436), “Asad Nomzod Firuz” МЧЖ (СТИР 303012575), “Temurbek Nazarbek Nozimjon” МЧЖ (СТИР 307726618), “Marjonabonu Ilg’orbek” МЧЖ (СТИР 306613023), “Sadriddin Saidov Bahodirovich” МЧЖ (СТИР 307133754), “Romitan agro center” МЧЖ (СТИР 307082899), “Rom-Trelon” МЧЖ (СТИР 305530452), “Shuxrat Shukur Feruz” МЧЖ (СТИР 303264516), “Shahob Shukur Shukurona” МЧЖ (СТИР 308388286), “Soft art service” МЧЖ (СТИР 303024054), “Nursuluv Nuraziz” МЧЖ (СТИР 305138915), “Nayim Hasan Trans” МЧЖ (СТИР 302952697), “Amin Sardor Akfa” МЧЖ (СТИР 306199665), “Export Center” МЧЖ (СТИР 304874215), “Trio Electronics” МЧЖ (СТИР 303130342), “Bihishti Buxoro” МЧЖ (СТИР 302462286), “Ergashev Muhammad Sultonovich” МЧЖ (СТИР 303397864), “Agro export imort xizmat” МЧЖ (СТИР 307550918), “Mubina Zilola Samira” МЧЖ (СТИР 303406266), “Feruzjon Sarbon savdo” МЧЖ (СТИР 303477203), “Ro’zi Ali Murod” МЧЖ (СТИР 306071873), “Qodirov Abbos Tavakalovich” МЧЖ (СТИР 306011432), “Hasan Hamza zamini” МЧЖ (СТИР 302919103), “Sho’rcha universal agro servis” МЧЖ (СТИР 304069582), “Qo’shabobo” ФХ (СТИР 304851204), “Safar Rajab Doniyor” МЧЖ (СТИР 306748116), “Usmon Ergash G’afur” МЧЖ (СТИР 306148783), “Xalqobod Bux servis” МЧЖ (СТИР 305554501), “Maxfuz-Shoxjaxon servis” МЧЖ (СТИР 300404611), “Shodi Temir texservis” МЧЖ (СТИР 303815518), “Kafe Shirinaxon” МЧЖ (СТИР 306299081), “Buxara Global Oil” МЧЖ (СТИР 305100195), “E`zozbekinvest” МЧЖ (СТИР 305788416), “Axlidilbayor” МЧЖ (СТИР 305106424), “Shuxrat Iqbol Ikrom” МЧЖ (СТИР 305418179), “Adizillo Istatjon” МЧЖ (СТИР 305093561), “Doniyor texnik servis” МЧЖ (СТИР 303098137), “Meliorasion texnik ta’mir” МЧЖ (СТИР 305305920), “Universal active service” МЧЖ (СТИР 302962922), “Buxoro Ehtiyot qism ta’minot” МЧЖ (СТИР 306524141), “Azam-Bahodir-Bunyod” МЧЖ (СТИР 306775130), “Shaxzod Shavkat dizayn” МЧЖ (СТИР 305998305) 4-2006-2301/1662-1727-ҳал қилув қарорлари билан юқорида номлари келтирилган корхоналарга суд (тугатиш) бошқарувчиси лавозимига Неков Саиджон Садридинович тайинланган.

Биринчи кредиторлар йиғилиши 2023 йил 14 сентябрь куни соат 11.00 да Ромитан ДСИ биносида Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Бухоро кўчасида бўлиб ўтади.

Юқорида кўрсатилган корхоналарнинг бурчак штампи ва думалоқ муҳрлари эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда, йўқолган деб топилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида суд (тугатиш) бошқарувчисига мурожаат қилишлари мумкин.

Суд (тугатиш) бошқарувчиси Неков Саиджон Садридинович тел.: 97-308-00-90.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ажримлари билан қуйидаги корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) тўғрисида иш қўзғатилиб кузатув жорий қилинган ҳамда муваққат бошқарувчиси этиб Чўтов Мамаюсуп Омонович тайинланган.

Мазкур қарздор корхоналарнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2023 йил 18 сентябрь куни Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уй, 315-хонасида бўлиб ўтади.

Бўлиб ўтадиган биринчи кредиторлар йиғилишида “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 89-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳамда ушбу қонунда назарда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уй, 315-хонаси манзилида қабул қилинади. Тел.: 99-888-00-83.

